

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил сентябрь ойининг “15” куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи-судья: XXX,

ҳайъат аъзолари-судьялар: XXX ва XXXлардан иборат таркибда, XXXнинг котиблигида, жавобгарларнинг иштирокида, даъвогар XXXнинг жавобгарлар XXXга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси ҳамда жавобгар XXXнинг даъвогар XXXга нисбатан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 июндаги ажримига нисбатан жавобгар XXX томонидан берилган кассация шикоятини фуқаролик иши ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар XXX жавобгарлар XXX ва бошқаларга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат этиб, унда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси (Қодирова кўчаси) 7-уй, 6-хонадонга киритишни сўраган.

Шунингдек, жавобгар XXX даъвогар XXXга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат этган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори кўра, даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб қарши даъво талаби рад этилган.

Унга кўра, XXX Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси (Қодирова кўчаси) 7-уй, 6-хонадонга киритиб қўйилган.

Жавобгар XXXнинг даъвогар XXXга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси рад қилинган.

Суд қарорларига нисбатан жавобгар Атаева Инобат кассация шикояти билан мурожаат қилиб, бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья XXXнинг маърузасини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Аниқланишича, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза кўчаси 7-уй, 6- квартира 2021 йил 3 февралдаги ҳадя шартномасига асосан Атаева Инобат Арслоновнага тегишли.

Даъвогар ХХХ ва жавобгар ХХХлар 2019 йил 14 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани “Катта Ялонғоч” МФЙ томонидан тасдиқланган далолатнома кўра, тарафлар низоли хонадонда 2020 йил 25 июлга қадар бирга яшаб келганликлари қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 32-моддаси 1-қисмига асосан уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар. Бу шахслар уй, квартиранинг, мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Жавобгар ХХХнинг суд қарорларидан норози бўлиб ёзган шикоятда низоли уй-жойда даъвогар ХХХ, уйдан ихтиёрий равишда чиқиб кетиб кейинчалик мол-мулкларини суднинг ҳал қилув қарори билан олиб чиқиб кетганлиги ҳамда уй-жойда 6 ой муддат давомида яшамаганлиги тўғрисида важ келтирсаларда, уларнинг ушбу вазлари иш ҳужжатларидаги, Мирзо Улуғбек тумани “Катта Ялонғоч” МФЙ томонидан тасдиқланган далолатнома кўра, тарафлар низоли хонадонда 2020 йил 25 июлга қадар бирга яшаб келганликлари, Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг март ойидан қаътий карантин чоралари қўлланилиб, ушбу чоралар 2020 йил 15 август ойиларида ҳам амалда бўлганлиги, тарафлар ўртасидаги никоҳлари бекор қилинмаганлиги ҳолатлари билан инкор этилади.

Судлов ҳайъати судлар даъвогар ХХХнинг низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлиги, низоли уй-жойи 2018 йил 22 июндаги олди-сотди шартномасига асосан қайнонаси ХХХни мулки бўлганлиги, турар жойдан 2020 йил 25 июль куни чиқиб кетган бўлиб турар жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг уйга киритиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириб қарши даъво талабини рад этиш ҳақида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддасининг 1-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестни) кўриб ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли.

Шунга кўра, судлов ҳайъати юқоридаги қонун нормаларига асосан кассация шикоятини қаноатлантириш учун асослар йўқлигини эътиборга олиб, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 июндаги ажримини ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси 1-бандига қўлланиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 июндаги ажрими ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

XXX

ҳайъат аъзолари

XXX

XXX